



e-ISSN: 2319-8753 | p-ISSN: 2347-6710

# IJRSET

International Journal of Innovative Research in  
**SCIENCE | ENGINEERING | TECHNOLOGY**

# INTERNATIONAL JOURNAL OF INNOVATIVE RESEARCH

IN SCIENCE | ENGINEERING | TECHNOLOGY

Volume 11, Issue 3, March 2022

**ISSN** INTERNATIONAL  
STANDARD  
SERIAL  
NUMBER  
INDIA

Impact Factor: 7.569

9940 572 462

6381 907 438

[ijirset@gmail.com](mailto:ijirset@gmail.com)

[www.ijirset.com](http://www.ijirset.com)



# Education in Increasing Skills Gnoseological Analysis

Shukurullo Mardonov<sup>1</sup>

Doctor of Pedagogical Sciences, Professor of Chirchik State Pedagogical Institute<sup>1</sup>, Uzbekistan.

**ABSTRACT:** This article discusses the theory of cognition, the interrelationship of reading with the cognitive process, its generality with scientific research.

**KEYWORDS:** theory, cognition, education, man, doctrine, being, universe, problem.

## МАЛАКАСИНИ ОШИРИШДА ТАЪЛИМНИНГ ГНОСЕОЛОГИК ТАҲЛИЛИ

Шукурullo Мардонов

Педагогика фанлари доктори

Чирчиқ давлат педагогика институти Профессор, Ўзбекистон

**Аннотация:** Ушбу мақолада билиш назарияси ўқиш, ўрганишнинг билиш жараёни билан ўзаро боғлиқлиги, унинг илмий изланиш, тадқиқот билан умумийлиги тўғрисида фикр юритилган.

**Калит сўзлар:** назария, билиш, таълим, инсон, таълимот, борлик, олам, муаммо.

Ҳар қандай таълим жараёнининг методологик асосини билиш назарияси ташкил этади. Бунда билиш назарияси инсоннинг оламни ўз онгги орқали англашга асосланади. Киши борлиқни онг орқали англайди, борлиқ эса кишиларнинг мавжуд ҳаёт жараёнидир. Шунинг учун моддий борлиқнинг инсон онгида акс этиши объектив бўлиб, у ҳақдаги инсон билимлари ҳам объектив мазмунга эга бўлади. Бу умумий қонуният бўлиб ўқитувчиларнинг малакасини ошириш тизими, ўқитиш жараёнига ҳам дахлдор ҳисобланади.

Инсоннинг дунёни билишининг чуқурлашиб бориши ва жамият таракқиётининг тезлашуви, ҳар қандай таълимнинг мазмуни, мақсади, ташкилий шакл, методларини ўзгаришига сабабчи бўлади. Бундан педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ҳам мустасно бўла олмайди. Ўз вақтида рус олими М.А. Данилов айнан шу ҳақда ёзган эди: “Ҳақиқатда билим билан ўқитиш орасида боғланишлар мавжуд. Билиш ва ўқитиш муаммосини ўзаро қиёслаш шунга иқрор қиладики, ўқитишда ҳамма вақт билиш содир бўлади. Шунинг учун билиш назарияси ўқитишнинг моҳиятини ва ғоявий йўналишини белгилайди”.

Билиш ва ўқитишни таққослашнинг кўрсатишича, ўқитиш мазмуни билишнинг натижаси ҳисобланади. Билим жамият томонидан фойдаланиши, ёки амалиётда қўлланиши, жамият аъзолари томонидан ўзлаштирилиши лозим. Билиш ўқитишдан аввал содир бўлади. У жамият эҳтиёжига боғлиқ бўлиб, унинг асосини ижтимоий тажриба ташкил этади.

Ахборот технологиялари асрида жамиятнинг ҳамма соҳаларида инсон фаолиятини қайта қуриш, жумладан, педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишда ҳам таълимнинг барча томонларини чуқур гносеологик таҳлил қилмасдан, унинг имкониятларидан ўқитувчилар маҳоратини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкин эмас.

Қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини методологик жиҳатдан таҳлил қилиш, унинг имкониятларини тўлиқ очиш ҳамда ўқитувчилар касбий маҳоратини оширишда фойдаланиш билан бирга уни такомиллаштиришнинг ижтимоий-психологик, психофизиологик, дидактик жиҳатларини ўрганиш учун асос бўлади.

Билиш назариясини таълим жараёнида қўллаш педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишдаги ўқув жараёни моҳияти ва унинг ривожланиш қонуниятларини чуқур тушуниш имкониятини беради.

Таълим жараёнида билиш, кузатиш, маълумотларни таҳлил ва синтез (қисмларга ажратиш) қилиш, назарий умумлаштириш, мантиқий фикрлаш ва билимларни амалда қўллаш тарзида амалга ошади. Шу билан



бирга таълим жараёнидаги билиш, сезиш, идрок, тасаввур, тушунча ва ҳукм тарзида бўлиб, ўқитувчининг дидактик йўналтириши асосида амалга ошади. Маълумки, таълим жараёни иккиёқлама жараён бўлиб, икки фаолият уйғунлигида: ўқитувчининг (маърузачи) фаолияти ўқитиш ва тингловчининг - тушуниши, билимларни ўзлаштириш бирлигида кечади. Ҳар иккала фаолият ўзаро боғлиқликда бўлиб, улар учун умумий билиш жараёнидир.

Ўқиш, ўрганишнинг билиш жараёни билан ўзаро боғлиқлиги тўғрисида фикр юритар эканмиз, унинг илмий изланиш, тадқиқот билан умумийлиги, фарқи ҳам муносабат билдириш жоиздир. Илмий тадқиқотлар олимлар томонидан амалга оширилиб, унда ҳали фанда маълум бўлмаган, мактаб дарсликларига кирмаган илмий янгиликлар очилади. Аммо илмий билиш билан олимлар амалга оширадиган ва тингловчиларнинг билиш фаолияти ўртасидаги умумийлик - уларнинг мазмун ва ғоявий йўналишларининг бирлиги билан характерланади. Шу билан бирга улар учун умумийлик инсоннинг инъикос ва ўзгартириш фаолияти ётишидир. Лекин бу умумийлик уларни бир-бирига тенглаштириш учун асос бўла олмайди. Чунки илмий тадқиқотда олим янгилик яратади, малакасини оширишда эса фанда аниқланган, маълум қолипга солинган, тажрибада синалган ва дидактик ишлов берилган фан асослари ўрганилади. Шунинг учун илмий тадқиқот бирламчи, малакасини оширишда ўрганиладиган билим иккиламчи илмий тадқиқот натижаси бўлиб, тараққиёт жараёнида ҳар иккаласи ҳам муҳим ҳисобланади.

Шу билан бирга ҳар иккала фаолият ҳам илмий тадқиқот ва таълим жараёни – билим эгаллаш – ташқи оламни билиш, англашга йўналтирилган. Биринчиси иккинчисига йўл очади.

Таълим ҳамма босқичларда ўзига мақсад қилиб билишни қўяди. Аммо бу билиш восита бўлиб, бевосита анланган, яратилган билимларни эгаллаб, жамият ривожини чуқурлаштиришга хизмат қилади. Олим дунёни бевосита ўзи билади, англайди. Аммо таълим жараёнидаги билиш бошқа бир киши, ўқитувчи раҳнамолиги, раҳбарлигида амалга ошади.

Тингловчи фаолиятини билиш объектига йўналтириш ўқитувчи (маърузачи) фаолияти орқали амалга ошади. Бу ҳар иккала фаолият (ўргатиш ва ўрганиш) мувафақиятли бўлиши учун ўқитувчи нафақат чуқур билимга эга бўлиши, балки уни бошқаларга ўргатиш усул ва воситаларини ҳам чуқур билиши талаб қилинади. Бунда ўқитиш восита ва шакллари ўқитувчининг ўз фаолиятини ва таҳсил олувчилар фаолиятини самарали ташкил қилиш воситаси бўлиб хизмат қилади. Тингловчи (ўқувчи, талаба) билиши (ўрганиши) энг аввало ўқиш-ўрганиш фаолиятидир. Билиш жараёни инъикос этиш бўлиб, билиш фаолияти ҳисобланади. Таълим жараёнида билиш фаолиятнинг асосий йўналиши бўлиб, бир вақтнинг ўзида амалий фаолият тарзида намоеён бўлади. Бунинг оқибатида тингловчи ташқи оламни ҳодиса, воқеа, нарсаларнинг моҳияти, тараққиёт қонуниятларини билиш, англаш сифатида ўзлаштиради.

Бу ўзаро боғлиқлик жараёнида ажойиб бир ҳодиса, моддий олам билан боғланиш ва унинг қонуниятларининг (моддийлик) маънавийликка айланиш жараёни содир бўлади, яъни инсон билимлари маънавийликка айланади (моддийлаштирилади). Инсон бу маънавий бойлик билан ўзини бойитади ва уларни амалиётда қўллаб, оламни ҳам ўзгартиради. Бунда инсон фаолияти ҳаракатлар тизимидан иборат бўлиб, унинг воситаси билиш, ўқув материалларини ўзлаштириш фаолиятининг узлуксиз ўзгариши, билимларни эгаллаш жараёнидан иборат бўлади. Таълимни ташкил қилишнинг назарий асоси ҳисобланган дидактиканинг бу жараёндаги вазифаси таҳсил олувчи фаолиятини самарали ташкил қилиш усул, восита ҳамда шакллари аниқлашдир.

Демак, моддий олам ва таълим жараёни ҳам борлиқнинг инсон онгида акс этиш жараёни сифатида гносеологик йўналишга эга. Аммо таълим жараёнида бу гносеологик жараён яна бир қўшимча асосга эга бўлади. Таълим жараёни педагогик жараён сифатида дидактик жиҳатдан йўналтирилиб, билимларни ўзлаштиришни осонлаштиради. Демак, таълим жараёни оламни билишдан дидактик ташкил қилиниши билан ажралиб туради.

Дунёни билиш ва таълим жараёнларини гносеологик таққослаш шуни кўрсатадики, дунёни билиш кўпроқ жамият эҳтиёжига ва билиш воситаларига (асбоб-ускуна, техник ва ахборот воситаларига) боғлиқ, таълим жараёни эса таҳсил олувчиларнинг ёши, касби, тажрибаси ва фаолиятини ташкил қила билиши, ўрганиши лозим бўлган нарсалар моҳиятини англаши билан белгиланади. Яъни таҳсил олувчиларнинг таълимнинг ҳар бир босқичида (мактабгача, мактаб, касб-ҳунар таълими ва олий ўқув юрти талабаси, малака ошириш тингловчиси) турлича кизиқиш, фаолият мақсадини англаш, билимни ўзлаштиришга муносабати турлича бўлади. Шундан келиб чиқиб, таълимнинг ҳар бир босқичида уни дидактик жиҳатдан ташкил қилиш турлича усул, восита ва шакллар ёки педагогик ахборот технологияларидан фойдаланиш турли даражада – таҳсил олувчиларнинг ёши, касби, тажрибаси ва фаолиятининг ривожланганлик даражасига мос бўлиши шарт. Бу дидактик қонуният сифатида таълим жараёнининг ҳар бир босқичида инобатга олиниши лозим. Оддийроқ қилиб айтадиган бўлсак, таълимни ташкил қилиш шакл, метод, воситалари таҳсил олувчиларнинг ёши, ўзига хос руҳий, физиологик хусусиятлари ва шахсий, касбий эҳтиёжларига мос бўлиши мутлақо зарур.

Малакасини ошириш жараёни билиш фаолияти сифатида фан билан боғлиқ. Шунинг учун бу жараён қонуниятларини аниқлаш илмий билиш ва педагогика фанининг ривожланиш даражасига боғлиқдир.





Малакасини ошириш жараёни билиш фаолияти тарзида касбий маҳоратни эгаллашнинг назарий ва амалий жиҳатларини ўз ичига олади. Бундан кўринадики, малакасини оширишни ташкил қилганда таҳсил олувчилар эҳтиёжи ва фаолиятининг хусусиятига мос келувчи билиш методларини танлаш зарур. Бу жараёнигносеологик таҳлил қилишимизнинг моҳияти ҳам шунда. Дидактик жиҳатдан қараганда, малакасини ошириш жараёнида қўлланиладиган таълим шакл, метод ва воситалари ундаги ўқув-тарбия жараёни мақсад, мазмуни ҳамда ўқитувчининг касбий маҳорат даражасига мос келиши зарур. Малакасини ошириш жараёнида мунтазам равишда касбий маҳорат таркибида миқдор ва сифат ўзгаришларининг содир бўлиши янги педагогик тажриба ҳосил бўлишига замин ҳозирлайди. Қайд қилинганидек, малакасини ошириш жараёни назарий ва амалий тайёргарликнинг диалектик бирлигидан иборат: 1. Улар ўртасидаги бирлик ҳар иккаласи ҳам ўқитувчининг мавжуд билим, кўникмасидан иборат. 2. Малакаларини такомиллаштиришга қаратилган. Улар ўртасидаги бундай яхлитлик, фарқ борлигини инкор қилмайди. Фарқ эса билимларни ўрганиш ва амалий фаолиятда қўллаш шаклида намоён бўлади.

Ўқитувчининг малакасини ошириш жараёнидаги назарий тайёргарлиги педагогик жараёнларнинг моҳияти ва қонуниятларини билиши, шунингдек, педагогик фаолиятини амалга ошириш усуллари тингловчиларда педагогик билимларга маълум муносабатни шакллантирилиши лозим. Бундай билиш жараёнида билимларнинг чуқурлашуви абстрактликдан конкретликка, назариядан амалиётга ҳамда уни педагогик вазиятга қараб қўллашга қаратилган бўлади. Бундай билиш натижасида ўқитувчи педагогик ходисаларни назарий тушуниш тажрибасини эгаллайди ҳамда уни илмий асослай олади.

Амалий тайёргарлик эса билиш, педагогик фаолиятини амалга ошириш усуллари, ўрганган билимларни қўллаш кўникмаси ҳамда янги касбий билимларни эгаллашга асос бўлиб, ақлий ва интеллектуал қобилиятларни ривожлантиради.

Яхлит икки хил билиш даражаларини эмпирик ва назарий жиҳатларга бўлиш, билиш фаолиятлари ўртасидаги фарқ ва ўзаро боғлиқликни тушуниш билан бирга, улар ўртасидаги илмий назариянинг яратилиши, аниқлигини текшириш ва амалиётда қўллашнинг моҳиятини англаш имкониятини беради. Шу билан бирга бу «бизга билиш фаолиятининг икки жиҳатини англаш имконини беради: 1) ақлий билиш билан боғлиқ ҳаракатлар (таҳлил, синтез, умумлаштириш) фаолиятини ва уларнинг билимларни эгаллашга йўналганлиги билан боғлиқ фаолиятини; 2) билимларни таълим жараёнига амалий қўллаш билан боғлиқ фаолиятни».

Бундан шундай муҳим вазифа келиб чиқади: малакасини ошириш курслари ва улардан ташқарида таълим мазмуни шундай ташкил қилиш керакки, улар тингловчи билиш фаолиятига мос келиши билан бирга уларни амалий фаолиятда қўллашга ўргатсин. Таъкидлаш лозимки, айнан шу икки фаолиятнинг узвий бирлиги педагогларнинг ҳар томонлама тайёргарлигини таъминлайди. Чунончи, шунга мос равишда таълим мазмуни, шакли ва методлари ҳамда уни баён қилиш мантики ўзаро бир-бирига мос бўлиши мутлақо зарур. Ҳозирги пайтда курс машғулотларини кузатишларимизнинг кўрсатишича, маъруза ва амалий машғулотлар мактабдаги таълимга ўхшаб кетади ҳамда кўрсатма (инструктаж) бериш тарзида олиб борилади. Таълимни ташкил қилишнинг бундай шакли ўқитувчининг ижодий ривожланишига ёрдам бера олмайди.

Ҳар қандай фаолият асосида билим ётади. Таълим ва тарбия ҳам ўқитувчининг касбий фаолияти сифатида назарий ва амалий билимларга асосланади.

#### Адабиётлар

1. Данилов М.А. Всеобщая методология науки и специальная методология педагогики и их взаимоотношения. –М.: 1971, 83-б.
2. Данилов М.А. Шу асар, 87-б.
3. Йўлдошев Ж.Ф. Малака оширишнинг назарий ва методологик асослари. –Т.: Ўқитувчи, 1998, 109-б.
4. Йўлдошев Ж.Ф. Шу асар, 108-б.
5. Зарипов К., Мардонов Ш.Қ. Ўқитувчилар малакасини ошириш педагогикаси. –Тошкент: Фан ва технология, 2018, 201-б.
6. Жабборова, О. М., Умарова, З. А. (2021). БОЛАЛАР ПЕДАГОГИКАСИ МАЗМУНИ ВА УНИ КЛАСТЕР УСУЛИДА ЎҚИТИШ. Academic research in educational sciences, CSPI conference 1, 59-62.
7. Мардонов, Ш. Қ., Жабборова, О. М (2021). БЎЛАЖАК БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШДА ЎҚИТИШНИНГ ИННОВАЦИОН КЛАСТЕР УСУЛИ. Academic research in educational sciences, CSPI conference 1, 142-145.
8. Жабборова, О. М. (2021). БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМДА КЛАСТЕР УСУЛИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ МЕХАНИЗМЛАРИ. Academic research in educational sciences, CSPI conference 1, 63-67.
9. Жабборова, О. М., Умарова, З. А. (2021). БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАРДА ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ЎҚИТИШНИНГ КЛАСТЕР УСУЛИ. Academic research in educational sciences, CSPI conference 1, 68-71.



10. Мардонов, Ш. Қ., Жабборова, О. М (2021). ОЛИЙ БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ЧЕТ ТИЛЛАРНИ ЎҚИТИШНИНГ ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВЛАРИ. Academic research in educational sciences, CSPI conference 1, 119-121.
11. Жабборова, О. М. (2021). ЎҚИТИШНИНГ КРЕДИТ-МОДУЛЬ ТИЗИМИДА ЎҚУВ ФАНЛАРИНИ ТАНЛАШ ТАМОЙИЛЛАРИ. ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES, 2(6), 1095-1099.
12. Жабборова, О. М. (2021). БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМДА МАСОФАВИЙ ЎҚИТИШНИНГ ЭЛЕКТРОН-МОДУЛЛИ УСУЛЛАРИ. ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES, 2(5), 1294-1299.
13. Жабборова, О., Ташпулатова, Д. (2021). Бошланғич синф ўқитувчиларининг малака талаблари. Ekonomika i sotsium, 5(84).
14. Каримжонов, А., Жабборова, О. (2021). Ян Амос Коменскийнинг таълим-тарбияга оид қарашлари. Ekonomika i sotsium, 5(84).
15. Жабборова, О. М., Ахмедова, Н. Ш. (2021). Бошланғич синф ўқувчиларини миллий ғоя асосида тарбиялаш омиллари. Ekonomika i sotsium, 4(83).
16. Jabborova, O. M. (2021). Systems for The Development of Primary Education in The Process of Higher Pedagogical Education. The American Journal of Social Science and Education Innovations, 3(04), 449-453.
17. Jabborova, O. M., & Mardonov, Sh. Q. (2021). Ta'lim jarayoniga innovatsiyalarni tatbiq qilishning tashkiliy-pedagogik jihatlari. Xalq ta'limi jurnali, 2.
18. Жабборова, О. М. (2021). Мураккаб шароитларда бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини касбий тайёрлаш. Ekonomika i sotsium, 4(83).
19. Жабборова, О. М. (2021). Бошланғич таълимда интеграциялаш масалалари. Academic research in educational sciences, 2(4), 702-706.
20. Жабборова, О. М., Бахтиёрова, С. Э. (2021). Бошланғич таълим йўналишида хорижий тилларни ўқитишнинг янги ёндашувлар тизими. Academic research in educational sciences, 2(3), 1040-1045.
21. Жабборова, О. М., Ташпулатова, Д. М. (2021). Ўзбекистон янги мафкурасининг педагогик талқини. Academic research in educational sciences, 2(3), 584-589.
22. Жабборова, О. М., Ташпулатова, Д. М. (2021). Бошланғич синф ўқитувчиларига қўйиладиган талаблар. Academic research in educational sciences, 2(2).
23. Жабборова, О. М., Чимпулатова, Ч. Д. (2021). Бошланғич таълимда Тарбия фанининг кластер усулида ўқитилиши. Academic research in educational sciences, 2(1).
24. Жабборова, О. М., Умарова, З. А. (2021). “Тарбия” фанини кластер усулида ўқитишда педагогик конфликтларни бартараф этиш. Academic research in educational sciences, 2(1).
25. Jabborova, O.M., Umarova, Z. A. (2021). Pedagogical conflicts in primary school students-as an important social-pedagogical problem. European Journal of Molecular & Clinical Medicine, 7(2), 516-523.



**Impact Factor:  
7.569**



# INTERNATIONAL JOURNAL OF INNOVATIVE RESEARCH

IN SCIENCE | ENGINEERING | TECHNOLOGY

 9940 572 462  6381 907 438  [ijirset@gmail.com](mailto:ijirset@gmail.com)



[www.ijirset.com](http://www.ijirset.com)

Scan to save the contact details